

Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қонун қабул қилинди

// 24.06.2026

<https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/korruptsiyaga-qarshi-kurashish-samaradorligini-oshirish-buyic>



Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2026-йил 22-июнда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга, коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1155-сон Қонун имзоланди.

Мазкур Қонун билан:

- коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахсларнинг электрон реестри юритилиши;
- “коррупцияга оид жиноятлар” тушунчаси қонунчиликда аниқ белгиланиши;
- давлат органларида комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тизимлари жорий этилиши;
- комплаенс бўлинмалари фаолиятининг мустақиллиги ва ходимлар хавфсизлиги кафолатланиши;
- айрим коррупцион жиноятлар учун муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгиллаштириш имкониятлари чекланиши;
- коррупциявий хавф-хатарлар харитасини шакллантириш тизими йўлга қўйилиши каби муҳим нормалар белгиланди.

Қонун коррупцияга қарши курашишнинг ягона ва тизимли механизмини шакллантириш, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини кучайтиришга хизмат қилади.